

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

5-son (2020-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2020, № 5

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika** va **psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriynashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@umail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari doktori, dotsent

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori

Begimqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudova Muyassar, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharopovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Otabek Siddiqovich, iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Qosimov Fayzullo Muhammedovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Jumayev Ulug'bek Sattorovich, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО
Научно-теоретический и методический журнал
№ 5, 2020

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании Решении ВАК от 29 декабря 2016 года для получения учёной степени по педагогике и психологии.

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 6 раз в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

Учредитель: Бухарский государственный университет

Адрес редакции: Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор: Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

Заместитель главного редактора: Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

Ответственный редактор: Хамраев Алижон Рузикулович – доктор педагогических наук, доцент

Хамидов Обиджон Хафизович, доктор экономических наук

Бегимкулов Узакбай Шаимкулович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудов Мэлс Хасанович, доктор педагогических наук, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор

Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор

Янакиева Елка Кирилова, доктор педагогических наук, профессор (Болгария)

Каххаров Сиддик Каххарович, доктор педагогических наук, профессор

Махмудова Муяссар, доктор педагогических наук, профессор

Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор

Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор

Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор

Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор (Ярославль, Россия)

Морогин Владимир Григорьевич, доктор психологических наук, профессор (Абакан, Россия)

Белобрыкина Ольга Альфонсасовна, кандидат психологических наук, профессор (Новосибирск, Россия)

Чудакова Вера Петровна, PhD (Психология) (Киев, Украина)

Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор

Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор

Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор

Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор

Дурдыев Дурдымурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор

Хаитов Шадман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор

Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор

Мирзаев Шавкат Мустахимович, доктор физико-математических наук, профессор

Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор

Бутабоев Мухаммаджон Туйчиевич, доктор экономических наук, профессор

Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор

Олимов Ширинбай Шарапович, доктор педагогических наук, профессор

Каххаров Отабек Сиддинович, доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент

Касимов Файзулло Мухаммедович, кандидат педагогических наук, доцент

Жумаев Улугбек Саттарович, кандидат психологических наук, доцент

PEDAGOGICAL SKILLS

The scientific-theoretical and methodical journal

5, 2020

The journal is submitted to the list of the scientific journals applied to the scientific dissertations for **Pedagogic** and **Psychology** in accordance with the Decree of the Presidium of the Ministry of Legal office of Uzbekistan Republic on Regulation and Supervision of HAC (The Higher Attestation Commission) on December 29, 2016.

The journal is published 6 times a year

The journal is registered by Bukhara management agency for press and mass media in Uzbekistan.

The certificate of registration of mass media № 05-072 of 22 February 2016

Founder: Bukhara State University

Publish house: Uzbekistan, Bukhara, Muhammad Ikbol Str., 11.

e-mail: ped_mahorat@umail.uz

EDITORIAL BOARD:

Chief Editor: Ph.D. of Pedagogy, Prof. Bakhtiyor R. Adizov. **Deputy Editor:** Ph.D. of Economics, Prof. Bakhtiyor N. Navruz-zade. **Editor:** DSc, Asst. Prof. Alijon R. Khamraev

Doctor of Economics Sciences Obidjan X. Xamidov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Uzakbai Sh. Begimkulov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Mels Kh. Mahmudov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Holby I. Ibrahimov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Abdurashid Ch. Choriev

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Yelka K. Yanakieva (Bulgaria)

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Siddik K. Kahhorov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. M. Mahmudova

Ph.D. of Psychology, Prof. Sharif R. Baratov

Ph.D. of Psychology, Prof. Azim M. Jabbarov

Ph.D. of Psychology, Prof. Rano I. Sunnatova

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir V. Kozlov (Yaroslavl, Russia)

Ph.D. of Psychology, Prof. Vladimir G. Morogin (Abakan, Russia)

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Olga A. Belobrikina (Novosibirsk, Russia)

Ph.D. of Psychology, Vera P. Chudakova (Kiev, Ukraina)

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Shavkat M. Mirzaev

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Mukhtor R. Amanov

Ph.D. of Technical sciences, Prof. Zakirkhodja A. Tadjikhodjaev

Ph.D. of Philology, Prof. Darmon S. Uraeva

Ph.D. of Philology, Prof. Shoiran N. Akhmedova,

Ph.D. of Physical and Mathematical Sciences, Prof. Durdimurod K. Durdiev

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Shadman A. Khaitov

Ph.D. of Historical Sciences, Prof. Halim H. Turaev

Ph.D. of Economics, Prof. Nasir M. Mahmudov

Ph.D. of Economics, Prof. Mukhammadjon T. Butaboev

Ph.D. of Biological Science, Prof. Sulaymon B. Buriev

Ph.D. of Pedagogical Science, Prof. Shirinboy Sh. Olimov

Ph.D. doctor of philosophy in economics Otobek S. Kahhorov

Ph.D. of Pedagogical Sciences, Prof. Fayzullo M. Kasimov

Ph.D. of Psychology Sciences, Prof. Ulugbek. S. Jumaev

MUNDARIJA

DOLZARB MAVZU	7
Сойиб РАУПОВ. Мустақиллик ва маҳалла институти	7
PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	14
Бахтиёр АДIZOV. Талабаларнинг маънавий камолотида ўзини-ўзи тарбиялашнинг ўрни	14
Shahlo TURDIYEVA. Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija	17
Муножатхон АСПРАНБОЕВА. Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари.....	20
Komila SAYITOVA. Problems of distance education and the ways of their solution.....	27
Темир ОЛИМОВ. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини шакллантиришда замонавий ўқитувчининг қиёфаси	33
Фарход ҲОШИМОВ, Роҳатой ЭГАМБЕРДИЕВА. Таълим сифатини ошириш ўзбекистон ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида (Япония мисолида)	36
Замира КУРБАНИЯЗОВА. Бўлажак педагогларнинг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш	43
Bahrom URINOV. Ta'limga Yevropa integratsiyasining asosiy maqsadi va tamoyillari.....	48
Муҳаббат МИРСОЛИЕВА. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг метакомпетенцияларини ривожлантириш модели	51
Бахринисо ТЎРАҚУЛОВА. Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интегратив ҳамкорлигини такомиллаштириш технологияси	55
Ithom MADATOV. Elektron ta'lim texnologiyalari (blended learning).....	58
Насибахон ОЛТМИШЕВА. Глобаллашув жараёнлари ва таълим-тарбия масъулияти	62
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	66
Зебинисо ХАНКЕЛЬДЫЕВА, Дилором УБАЙДУЛЛАЕВА. Модель организации самостоятельной работы студентов с использованием дистанционных технологий.....	69
Олимжон АҲМАДОВ. XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия тизимининг манбавий асослари ва адабиётлар таснифи.....	74
Akram SOKHIBOV, D. A. RUSTAMOV. Historiographical aspects of the study of national pedagogy is the great contribution of the great eastern thinkers	78
Лобар ШАРИПОВА, Башорат ШАРИПОВА. Ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти.....	81
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Системная целостность образования, науки и производства - основа развития инновационного экономического мышления у студентов	85
Гуллола РАҲМОНОВА. Талабаларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш усуллари ..	90
Manzura OCHILOVA, Nilufar RAXIMOVA. "Oilada yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda milliy qadryatlarning o'rni" modulini o'qitish samaradorligini oshirishning ustuvor yo'nalishlari	93
Хулқархон ДЖУМАЕВА. Талабалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ички таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари.....	96
Зебо МАМАРАИМОВА. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари	100
Gulchehra ALIMOVA. Kichik maktab yoshida o'quvchi shaxsining psixologik-pedagogik rivojlanish xususiyatlari.....	103
Наира ОДИЛОВА. "Хотира" мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг психологик хусусиятлари	108
Навбахор УМАРОВА. Тасаввур-белгилар тизими – шахс иқтисодий мавқеини баҳолашдаги мезон сифатида	112
Умида ЛАТИПОВА. Талаба шахсида ижодий фаоллик намоён бўлишининг ички ва ташқи мотивлари. 116	
МАКТАВГАСНА VA BOSHLANG'ICH TA'LIM	119
Юлдуз ПЎЛОТОВА. Бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларини интеграциялашнинг методик имкониятлари.....	119
O'g'iljon OLLOQOVA. Lingvistik kompetensiya va uning turlari	126
Rustambek QO'LDOSHEV. The content of pedagogical assistance in the period of adaptation of left-handed first-graders to school, adaptation to school and its features among students of the first year of study.....	132
Гулшан МАМАТОВА. Бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълим усулларида фойдаланиш 136	
FILOLOGIYA VA TILLARNI O'RGANISH.....	139
Nigora MAHMUDOVA. So'z modelidagi sintagmaning lingvistik tabiati	139
Атоулло АХМЕДОВ. Ўзбек ва татар тиллари сабоқларидан	143

XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БИРИНЧИ ЧОРАГИДА БУХОРОДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ ВА АДАБИЁТЛАР ТАСНИФИ

Ушбу мақолада Бухорода XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида таълим-тарбия муаммоларига бағишлаб яратилган манбалар ва адабиётлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: манба, манбашунослик, таълим, тарбия, узлуксиз таълим, тадқиқот, мақола, дастур, тизим, анъанавий таълим, мактаб, мадраса.

В данной статье даны наиболее исследования на основе источников и литературы по проблемам образования и воспитания в Бухаре в конце XIX и первой четверти XX века.

Ключевые слова: Источник, источниковедение, образование, воспитание, системное образование, исследование, статья, программа, система, традиционное образование, школа, медресе.

Summary: In the following article the sources and literature related with the education-upbringing in Bukhara in the end of 19th first quarter of the 20th century is scientifically analyzed.

Key words: Source, source studiers, education-upbringing, chain education, study, article, program, system, nontraditional education, school, madrassa.

“Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси”да таълим, тарбия ва илм-фанни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, рақобатбардош миллий кадрлар тайёрлаш ва бўш ишчи ўринлари ажратиш масалалари долзарб қилиб қўйилди. Таълим ва тарбия жараёнларининг узвий боғлиқлиги, инсон мафкуравий иммунитетини юзага келтиришдаги аҳамияти, жамият барқарор ривожланишидаги ўрни масалаларининг бекиёслиги исбот талаб қилмайди. Ўтмишдаги воқелиликларни нуқул бир хил қора бўёқда тавсифлаш услуги эса анъанавийлик тизимида дарз келтиради. Шунингдек, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги алоқадорликнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Эл - юртимизнинг қон - қонида азалдан бўлган ақл-заковат илм-маърифат туфайли заминимизда янги Хоразмийлар, Берунийлар, Улуғбеклар етишиб чиқиши”га ишонч билдирди. Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги мурожатномаларида, Шарқ донишмандлари айтганларидек “Энг катта бойлик – бу ақл заковат ва илм. Энг катта мерос - бу тарбия. Энг катта қашшоқлик –бу билимсизликдир”.

Истикболдаги улкан вазифаларни бажариш учун ўзбек педагогикасининг тарихий тажрибаси муҳим ўрин тутади. Айниқса, Бухорода асрлар давомида таълим-тарбияда ўзига хос йўналиш ва анъаналар вужудга келиб, улар яшовчан бўлиб қолмоқда.

Ушбу мақолада Бухорода XIX аср охири-XX аср бошларида таълим-тарбия тизимини ўрганишга асос бўладиган манбалар ва адабиётлар таҳлиliga эътибор қаратилади. Ушбу масала ҳеч қачон ҳозиргидек долзарблик касб этмаган. Айтиш мумкинки, бу зарурий мавзулардан бири бўлиб келган. Россия империяси Бухоро амирлигини протекторат (ярим мустамлака) қилганидан сўнг (1868, 1873 йиллардаги шартномалар) амирлик ушбу давлатнинг хом ашё базаси ва sanoat маҳсулотларини сотадиган бозорга айланди. Амирлик ҳудудида рус поселениелари ва шаҳарлари вужудга кела бошлади, Европа маданияти кириб келиши билан эса амирликдаги таълим-тарбия масалалари унинг тарихий педагогик асослари билан қизиқиш янада кучайди. XIX аср охири - XX аср 1-чорагида Бухорода таълим-тарбия масалаларига оид манбалар ва эълон қилинган ишларни бизнингча, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Бухоро амирлиги ва БХСРда бўлган европалик элчи, сайёҳ, айғоқчи, тадқиқотчиларнинг маълумотлари ва хотиралари.

2. Совет давридаги тадқиқотлар.

3. Мустақиллик йилларида эълон қилинган ишлар.

4. Хорижда чоп этилган тадқиқотлар.

Кўрсатилган тарихий-хронологик босқичда яшаб, фаолият кўрсатган кишиларнинг асар, мақола ва эсдаликлари, Бухоро амирлиги даври воқеаларининг бевосита гувоҳи бўлган Аҳмад Дониш (1827-1897), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1953), Файзулла Хўжаев (1896-1938),

Мусо Саиджонов (1890-1938) [9] кабиларнинг асарлари, эсдаликлари, мақола ва илмий публицистик-бадий характердаги китоблари бир пайтнинг ўзида ҳам манбавий, ҳам тарихий маълумот беради. Ушбу муаллифларнинг ишлари орқали биз Бухоро амирлиги ва БХСРдаги маориф, таълим тизими, бу борадаги ислохотлар ҳақида муҳим далил ва рақамлар орқали тарихий воқеликларга гувоҳ бўламиз. Аҳмад Дониш асарларида таълимда Европа ва Туркия таълим тажрибасини, Россиядаги илғор ғояларни жорий этиш масаласи илгари сурилган. Қомусий олим тарбияда ибрат-намуна, оила тарбияси, касбий тарбия компонентларини муҳим деб ҳисоблайди. Бироқ инсон ҳаётида тақдирий азалга ҳам ишониш кераклигини ўз шахсий ҳаёти мисолида баён қилади. Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақое” асарида келтирилишича, энг муҳим тарбия воситаси, болаларга энг аввало меҳнат ва касбий тарбия берилиши кераклигидадир. Донишманд ўз фарзандларига касбий тарбия бериш мисолида бу мисолнинг моҳиятини очиб берди. Фарзандларга шундай касб эгаллаши учун шароит яратиш керакки, ўз касби билан келажакда оиласини таъминлаш имкони бўлсин, деб пан-насихат қилади қомусий олим.

Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” ва “Оила” китоблари тўлиқ таълим-тарбия масаласига бағишланган. Файзулла Хўжаев мақолаларида ва тарихий китобида жадид мактаблари, уларнинг фаолият босқичлари таҳлил қилинган. Хуллас, юқоридаги ишлар таълим-тарбиянинг ислох қилиш масалаларига йўналтирилгани эътиборга лойиқ. Абдурауф Фитратнинг таълим –тарбияга оид фикрлари кенг қамровли бўлиб, олим ўзининг оиланинг бу борадаги роли беқиёслигини кўрсатади. Болаларни одоб-ахлоқли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ота-онанинг ибрат намунаси бўлиб, фарзандларга диққат-эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланади. Ахлоқ, жон тарбияси (жисмоний тарбия)нинг ролига, А. Фитрат катта эътибор қаратади. А.Фитрат таълим жараёнида ёшларга дунёвий-диний таълим бирдек беришинг керак, шарқона маънавият, исломий ахлоқни сақлаган ҳолда замонавий дунёвий билимларни эгаллаши орқали тараққиётга эришишнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш мумкинлиги унинг асарларида тарғиб қилинади.

Иккинчи гуруҳ манбаларга Бухоро амирлиги ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати (БХСР)да турли йилларда бўлиб, (саёхатчи, элчи, айғоқчи, тадқиқ қилиш каби мақсадларда) этно социал тадқиқотлар олиб борган, ўз эсдалик ва хотираларини чоп эттирганларнинг ишларидан ҳам амирлик ва республика даврига тегишли таълим-тарбия тизимига оид айрим маълумотларни олиш мумкин. Ушбу гуруҳга Россия давлати айғоқчиси 4 ой давомида Бухорода “татаристонлик мулла” ниқоби остида истиқомат қилган, миллати француз бўлган П.И.Демезон ва рус вакили Н.В.Хаников, можар олими Ҳ.Вамбери, шунингдек, Л.Ф.Костенко, Д.Н.Логафет, А.В. Шубинский [8] кабиларни киритиш мумкин. Улар Бухоро хонлиги ва амирлигидаги мактаб ва мадраса таълимини тарихий далилларда кўрсатишган. Совет ҳокимияти йилларида Бухоро амирлиги ҳамда БХСРдаги таълим ва тарбия тизими масалалари К.Е.Бендриков, Н.Й.Йўлдошев, А.Н.Самойлович, Л.И.Ремпель, О.А.Сухарева, Б.Х.Эргашев кабиларнинг китоб ва мақолаларида бир қадар тадқиқ қилинган. Ушбу муаллифлар асарида 1910 йилда Бухорода 350 га яқин анъанавий (бошланғич) мактаблар фаолият кўрсатган. Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг сони 10 нафардан 50-60 нафаргача бўлган. Ўғил болалар мактабхонасида ўртача 30-40 нафар бола ўқиган бўлса, овул мактабларида ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган. Қизлар ўқийдиган мактабхоналардаги ўқувчилар сони ўғил болаларга нисбатан 25-30 фоизни ташкил этган. Бухородаги таълим-тарбия масалалари алоҳида тадқиқот мавзуси қилиб олинмаган бўлсада, улардан ўрганилаётган мавзуга оид кўпгина рақам ва далилларни олиш мумкин. Совет ҳокимияти йилларида яратилган асарларда каоммунистик мафкура ва синфийлик назарияси устунлик қилиб, Бухоро анъанавий таълим-тарбия тизими нуқул қора бўёқларда салбий жихатдан талкин қилинади.

Мустақиллик йилларида бутун Марказий Осиё минтақасида, шунингдек, Бухорода биз ўрганаётган тарихий босқичда таълим-тарбия тизимини ўзида мужассамлаштирган, янгича назарий-методологик ёндашув асосида илмий ишлар эълон қилинди. Айниқса, Бухородаги анъанавий таълим тизими, унинг муаммолари масалаларига қаратилган фундаментал асарлар чоп эттирилганлиги кўзга ташланади. Бу соҳада манбашунос олим Абдусаттор Жуманазаров ва тарихчи олима Ф.Ҳ.Бобожонова [8]ларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ф.Бобожонованинг номзодлик диссертацияси монографияси ва ўнлаб илмий мақолаларида XIX аср охири - XX аср бошлари Бухоро амирлигидаги бошланғич ва юқори босқич таълим тизими, анъанавий таълим муаммолари, ҳолати, таълим жараёни, амирликда маърифатпарварлик ғоялари тарғиботи, янги усул мактабларининг очилиши, улардаги муаммовий жихатлари очиб берилган. Бироқ Ф.Ҳ.Бобожонованинг диссертация ва монографиясида ҳамда мақолаларида Бухоро амирлиги сўнги даврда таълим-тарбия муаммолари тарихий аспектда ўрганилган. Муаммони педагогика фани нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш таълим-тарбия жараёнлари билан қиёсий таҳлил қилиш масаласи муҳим бўлиб қолмоқда. Абдусаттор

Жуманазар қанчалик катта хажмдаги вазифани бажармасин, унинг китобида Бухоро мадрасалари ҳақида асосан тарихий-манбавий ҳужжатлар асосида маълумотлар тўплангандек бўлиб қолган. Мадрасалардаги таълим тизимининг илмий таҳлили бир қадар китобда бўшлиқ бўлиб қолган. Абдусаттор Жуманазар китобининг тадқиқот доираси кенг бўлиб, бой манбалар ва адабиётлар таҳлили орқали Бухоро таълим тизимининг VIII асрдан бошланган тарихи, бошқарув тизими, таълим соҳасининг моддий таъминот тизими, Бухоро мадрасалар тарихи (324 та мадраса номи, тарихи, алфавит бўйича келтирилган), шунингдек, мадрасалар ҳолати, уларга совет ҳокимиятининг муносабати масалалари талқин этилган.

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасида яратилган асарлар, мақола ва тадқиқотларда XIX аср охири - XX аср биринчи чораги даврида таълим-тарбия масалалари алоҳида тадқиқ қилинмаганлиги бу йўналишда бизга илмий изланишлар олиб боришга имкон беради.

Мустақиллик йилларида Ш.Воҳидов, И.Долимов, Д.Зияева, Н.Йўлдошев, Н.Наимов, Э.Орифжонов, Қ.Ражабов, А.Саидов, Б.Қосимов, Г.Солижонов, У.Уватов, Н.Ғафуров, Ш.Ҳайитов [14] каби ўнлаб олимларнинг ишлари чоп этилдики, уларда Бухородаги анъанавий таълим тизими ва уни ислоҳ қилиш учун кураш масаласи миллий истиқлол мафқураси нуқтаи-назаридан ўрганилган.

Истиқлол йилларида Бухорода таълим ва тарбия тарихи масалалари билан хорижлик олимлар ҳам шуғулланиб, маҳаллий журнал ва нашрларда асар ва мақолалари чоп этилганлигини қайд этиш ўринли бўларди. Бундай олимлар қаторига Элен Каррер д'Эн Каус, Анке фон Кюгельген кабиларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогика тарихини янги талаблар асосида ўқитишга қаратилган бир қатор дарслик, ўқув йўлланма, хрестоматиялар чоп этилиб, улардан мухтасар бўлса-да, Бухорода XIX аср охири - XX аср бошларида анъанавий таълим тизими ва тарбиясига оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Ушбу гуруҳ қаторига О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳамидов, К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Имомов, Р.Ҳасанов, А. Қодиров, Э.Орифжонов [15] кабиларнинг китобларини санаб ўтиш мумкин. Кейинги даврларда ушбу дарслик, қўлланма ва хрестоматияларни қайта кўриб чиқиш, улардаги ноқисликлар ва айрим хатоликларни тuzатиш ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Бухорода биринчи анъанавий мактаб 714 йили Кутайба ибн Муслим томонидан Бухоро аркида, зардуштийлар эҳроми ўрнида бунёд этилган. “Мактаб” сўзи арабча “катаба” - ёзмоқ феълидан ясалган бўлиб, ёзишга ўргатиладиган жой дейилса, бошқаларида “мактаб” атамаси мирзалар мактаби маъносини билдирган. Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич: куйи - бошланғич мактаб ва юқори - мадраса босқичидан иборат эди.

Хорижда чоп этилган тадқиқотларда ҳам Бухородаги XIX аср охири –XX аср бошларида таълим-тарбия масалалари ҳақида илмий фикр-мулоҳазалар юритилган. Шундай муаллифлардан Заки Валидий Тўғон, Ширин Акинер, С.А.Инковский, Паоло Сартори, А.Холид [16] кабиларнинг асарларида Бухорода таълим ва тарбия ислом мафқураси асосида йўлга қўйилганлиги унинг муаммоларига оид маълумотлар келтирилиши илмий қийматга эга. Хориж олимлари учун “Бухоро” мавзуси долзарб бўлиб келаётганлиги шундаки, чет эллик шарқшунослар Туркистон жадидчилиги масалаларини ўрганар экан. Бухоро жадидчилик ҳаракатига катта эътибор қаратишади. Бухоро жадидлари, таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари, жадид мактабларининг фаолияти масалалари ўрганилади. Бироқ хорижий тадқиқотларда маҳаллий халқ менталитетини тўла англай олмаслик жихатлари сезилиб туради.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия тизими билан боғлиқ манбаларни мустақиллик мафқураси асосида ўрганиш, тўпланган материаллардан илмий-ижодий хулосалар чиқариш вазифаси тўла ҳал қилинган эмас. Бу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асар ва нутқлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги мурожатномаси.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том I. -Т.: “Ўзбекистон НМИУ”, 2018. – 592 б.
4. Жуманазар А. Бухоро: таълим тизими тарихи. -Т., 2017
5. Ienkovskiy S.A. Pan-(Turkestan) Islam in Russian. –Cambridj, 1967, -88.p.

6. Ҳасанбоева О. Педагогика тарихидан хрестоматия. Педагогика олий билим юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т.: “Ўқитувчи”, 1992.-208 бет;
7. Қодирова А., Орифжонова Э. XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида ўқитиш услублари //Шарқ машъали; 1997. -№1-2.-Б.
8. Бобожонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири-XX аср бошларида).-Тарих фан.номз. дисс. автореферати. -Т., 2011. -30 бет;
9. Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург-Сталинабад: Таджик гос издат; 1960.-298 с.
10. “Наводир ул-вакое” (Нодир воқеалар). Форс-тожикчадан А.Ҳамраев ва А.Шокиров таржимаси. -Т.: “Фан”, 1964. -41бет.
11. Абдурауф Фитрат. Нажот йўли (“Раҳбари нажот”). -Т.: “Шарқ”, 2001. -176 бет.
12. Спор Бухарского мударриса с европейцем в Индии о новометодных школах (Перевод с персидского полковника Ягелло). -Т., 1911.-48 стр;
13. Йўлдошев Н. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” (“Қутқарув йўли”) асаридан мухтасар фасллар. -Бухоро, 1996. -17 бет.
14. Воҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). Книга I.-Т.: Янги аср авлоди. 2007.-184 стр.; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари.-Т.: Университет; 2006.-125 бет; Шу муаллиф. Эски мактаблар // Тақаккур.-2010.-№7.-Б.66-73; Зияева Д.Ҳ. XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари //Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот.-2009. №3.-Б.10-12; шу муаллиф. XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий таълим тизими //XX аср Ўзбекистонда маданият тарихидан очерклар.-Т.; 2011.-Б.18-20; Йўлдошев Н. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” (“Қутқарув йўли”) асаридан мухтасар фасллар. Бухоро, 1996. -17 бет. Наимов Н. Бухоро жадидлари.-Т.; Фан. 2000.-42 бет. Орифжонов Э. XX аср бошларида Бухородаги жадид мактаблари //Халқ таълими, 1997.-№3.-Б.50-53; Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари //Ҳуқуқ ва бурч; 2008; №1.-Б.40-43; №2.-Б.35-37; Саидов А.Х. Бухоро ва Хива фикҳ мактаблари анъаналри тарихидан //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар; 1997. №7-8.-Б.50-51; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маънавият, фидойилик.-Т.: Маънавият. 2002. -178 бет; Солижанова Г.Ф. Учебно- просветительские очаги в Туркестане и общественное значение (конец XIX-начало XX вв.). Авт.дисс. канд.ист.наук. Ташкент; 1998. -28 стр; Уватов У. Донолардан сабоқлар.-Т.: “Халқ мероси”. 1994. -126 бет; Гафаров Н.История культурно-религиозной деятельности джадидов в Бухарском эмирате.-Худжанд; Госиздат, 2000.-176 стр. Ҳайитов Ш. Усмонхўжа Пўлатхўжаев - миллий мустақиллик курашчиси. - Бухоро-2006.-56 бет.
15. Ҳасанбаева О. Педагогика тарихидан хрестоматия.Педагогика олий билим юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.-Т.:Ўқитувчи, 1992.-208 бет; Ҳасанбаева О. ва бошқалар. Педагогика тарихи.-Т.: Ўқитувчи; 1997.-248 бет; Ҳошимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи.-Т.:Ўқитувчи. 1996.-446 бет., Нoshimov K.; Nishonova S. Pedagogika tarixi II qism / Darslik. -Т.: 2005.-304 б.; Қодирова А., Орифжонова Э. XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида ўқитиш услублари //Шарқ машъали; 1997.-№1-2.-Б. 4-9 ва ҳоказо.
16. Zeki Velidi Togan. Bugungi turk til (Turkestan) ve Vakini Tarek.-Istanbul; 1981.-354 s . Akinder Gh. Islam peoples of the Soviet Union.-London. Payl international; 1983.-462 p. Ienkovskiy S.A.; Pan-(Turkestan) Islam in Russian.Cambridj-1967.-88.p. Paolo Sartori.Altro che Seta. Covano e progresso in Turkestan (1865-1917). Prato, 2003/-158. Khalid A. The politigs of Muslim culture reforms: Jadidizm in central Azia. -Berkeley, 1998. 335 p.

Akram SOKHIBOV

Karshi State University

Associate Professor of the Department of Pedagogy

D. A. RUSTAMOV

Student of Karshi State University

HISTORIOGRAPHICAL ASPECTS OF THE STUDY OF NATIONAL PEDAGOGY IS THE GREAT CONTRIBUTION OF THE GREAT EASTERN THINKERS

The article deals with the problems of the high educational system in Uzbekistan, especially the attention is paid to the interrelations between the people and society. The thoughts of great scientist about the upbringing of harmoniously developed personality are analyzed in the article as well.

Key words: national pedagogy, Historiography, ethnography, pedagogical historiography, national education, the history of education, the history of pedagogy, peculiarities of national pedagogy, customs, rituals, traditions, science, anonymous pedagogy, areal pedagogy.

В статье рассматриваются проблемы системы высшего образования Узбекистана, особое внимание уделяется взаимоотношениям между народом и обществом. В статье также анализируются мысли великого ученого о воспитании гармонично развитой личности.

Ключевые слова: народная педагогика, историография, этнография, педагогическая историография, народное образование, история образования, История педагогики, Особенности национальной педагогики, обычаи, обряды, традиции, наука, анонимная педагогика, площадная педагогика.

Мақолада Ўзбекистонда олий таълим тизими муаммолари ҳақида сўз юритилган, айниқса, халқ ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларга эътибор қаратилган. Буюк алломанинг баркамол ривожланган шахс тарбияси ҳақидаги фикрлари мақолада ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: миллий педагогика, тарихишунослик, этнография, педагогик тарихишунослик, миллий тарбия, таълим тарихи, педагогика тарихи, миллий педагогиканинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлар, маросимлар, анъаналар, фан, аноним педагогика, areal педагогика.

Today the high school is one of the most important components of the system of continuous education. Changes in society have led to the significant steps of priorities in the higher structure of education. Here, the problem of personal development takes the first place.

Among the main directions of the educational policy of Uzbekistan, the leading and fundamental ones put forward the development of education, and in this process - the individual, therefore - the society and, thus, the country as a whole.

Reforming the system of education and upbringing, recognizing it as an authoritative direction of the state policy of the Republic of Uzbekistan, identified specific tasks, including the area of improving the training of future teachers.

The tasks of the Academy of Public Administration are defined clearly. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev on measures for the further development of the system of training, retraining and advanced training of managerial personnel in the Academy of Public Administration under the government of the President of the Republic of Uzbekistan points the necessity of: "... the organization of the study of the disciplines of the specialty, history and national values of Uzbekistan, the work of national poets and writers, a foreign language and information and communication technologies". (2017, Resolution of the Republic of Uzbekistan #5119)

At the same time, careful attitude to the cultural heritage of people, mutual respect for national cultures, education of students in harmony of national and universal values is necessary. The spiritual foundation of our home - the pillars of the future of our state - is very ancient and very strong, the foundation of our people is the spiritual heritage left by our ancestors, which in itself is a priceless treasure. It is with this sense of pride in our past and future that we must educate the future generation, build our own national state. Studying and consciously understanding the works and pedagogical heritage of the great thinkers of the East to bring the spiritual revival of the people, the development of culture, science and education depends on the situation in other spheres, depends on how effective the general cultural level of human development in the system of education and upbringing will be the moral-aesthetic formation of the younger generation in all branches of the historical development of society has always been the object of research by